

Шоир ва адиб Олимжон Холдорни «Водий куйчиси» дейишади. У 1932 йил 18 сентябрда Андижон вилояти Булокбоши туманининг Кулла кишлогида туғилган. Аввал тўликсиз ўрта мактабда, сўнг Андижондаги педбилим юртларида ўқийди. Нихоят, Фаргона Давлат педагогика институтида тахсил олади.

Собик Иттифок армиясида хизмат килади. Аввал мактабда ўқитувчи, радио мухаррири, «Коммунист» ва «Ёш ленинчи» рўзномаларида мухбир бўлиб хизмат килади. 1968—1983 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари Андижон бўлимига бошчилик килди. Хозирги кунда «Андижоннома» рўзномасида бўлим бошлигидир.

О. Холдор ижоди 60-йиллардан бошланган бўлиб, биринчи шеърлар китоби «Аргувон тагида» номи билан 1965 йилда устоз Миртемир таҳрири остида чои этилган. Хозиргача ўн бешга якин китоби, публитсистик маколалари нашр этилган. Жумладан «Андижон сулуви» (1968), «Кафтимдаги тупрок» (1970), «Ошикона» (1972), «Андижон баҳори» (1976), «Субхидам кўшиклари» (1977), «Кумуш коса» (1979), «Тўёна-тўёна» (1982), «Ер фарзанди» (1988), «Сенга интиламан» (1986), «Даврани кенгрок олинг» (1990), «Кўнгил», «Кўз тегмасин» (1992) хамда рус тилида «Восмое небо Андижана» (1976), «Блики» (1979), «Восточнш тропи» (1980), «Причастность» (1980), «Пилающее дерево» (1991) сингари тўпламлари чоп бўлди. Шунингдек, унинг «Мен—Апдижонман», «Андижон самоси», «Келажақдан бир садо», «Субхидам кўшиклари», «Роз» каби шеърий-епик асарлари хам пайдо бўлди.

У кўшикчи шоир сифатида хам маълум бўлиб, муаллифнинг элликдан ортиқ газалларига кўйлар басталанган.

Драматург сифатида эса унинг «Котил ким?», «Севги афсонаси» каби драмалари яратилган. Шоирнинг юкорида тилга олинган кўпчилик тўпламларига кирган шеърлар бепоён водий ва унинг захматкаш кишилари хакидаги касида деса бўлади. Шунингдек, бир катор кўшик ва достонларида эса инсон гўзаллиги, маънавий олами, ўзаро меҳр-мухаббати, садокати хакида баҳс юритади, тўйиб-тошиб куйлайди. Унинг бир катор асарлари кардош халклар тилларига таржима бўлган. Айни чогда шоир хинд, чех, рус, арман, украин, киргиз адиблари асарларини хам оъз она тилига агдарган. Шунингдек, унинг «Кўнгил» номли киссаси хам чоп этилган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбобидир.